

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

13-сон  
(49)  
2002 й.  
июль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;  
иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;  
учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;  
тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Иккинчи бўлим*

98. «2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафакалар микдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3101-сон Фармони
99. «Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3102-сон Фармони
100. «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги ПФ-3103-сон Фармони
101. «Ўзбекистон Республикаси худудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

103. «Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 июлдаги 240-сон қарори [Кўчирма]
104. «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 июлдаги 241-сон қарори

105. «Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 243-сон қарори
106. «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 247-сон қарори
107. «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 248-сон қарори
108. «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарори

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **98 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида**

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўкув юртлари талабаларининг, ўрта маҳсус, касб-хунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 4535 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 8970 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 4535 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 8970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 5435 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оиласаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон коидаларидан келиб чиқсан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта хисоблаб чиқишини таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси хисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик хисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш хисобидан белгиланган тартибда 2002 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартағи ПФ-3045-сон Фармони ўз кучини ўйқотган деб хисоблансан.

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 1 июль,  
ПФ-3101-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**99      Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида**

Республика тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва чинни саноати тармоқлари ни янада ривожлантириш ҳамда уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, пахта толасини чуқур қайта ишлаш хисобига енгил саноат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси (Ўзбекенгилсаноат)ни Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компанияси «Ўзбекенгилсаноат» («O'zbekengilsanoat») этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплексининг, Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг таклифлари қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компанияси «Ўзбекенгилсаноат» («O'zbekengilsanoat») фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

ички ва ташки бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва чинни саноати молларига бўлган эҳтиёжнинг ўсишини ўрганиш ҳамда башорат қилиш;

республика истеъмол бозорининг ахоли ўртасида харидоргир бўлган ватанимиз енгил саноатининг юқори сифатли моллари билан тўлдирилишини таъминлаш;

тармоқнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, компания корхоналари томонидан рақобатбардош моллар ишлаб чиқарилишини бутун чоралар билан кўпайтириш ҳамда уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришини ташкил қилиш;

пахта толасидан, бошқа маҳаллий хомашё ва материаллар манбаларидан фойдаланишни чуқурлаштириш ҳамда унинг комплекслилигини ошириш, ҳозирги вақтда импорт бўйича олиб келинаётган бутловчи буюмлар ва ёрдамчи ашёлар ишлаб чиқаришини ўзлаштириш;

тармоқда ягона техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик саноати корхоналарининг кооперациялашувига, ишлаб чиқаришини республиканинг ахоли зич яшайдиган туманларида маҳаллийлаштиришга кўмаклашиш;

замонавий технологияларни жорий этиш, янги буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаш-

тириш, тармоқ корхоналарини янгилаш ва техника билан қайта қуроллантириш учун тўғридан-тўғри хорижий сармояларни кенг жалб этиш;

бозор ислохотларини ўтказишида, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишида компания корхоналарига ёрдам кўрсатиш.

3. «Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги негизида Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси («Ўзбекенгилсаноат»)ни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 майдаги ПФ-202-сон Фармони ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 1 июль,  
ПФ-3102-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **100 Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Конунларига мувофиқ ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика ахолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституциявий хуқуқлар ва қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари таъминланиши мониторингини олиб бориш;

республика фуқароларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, ахолининг, аввало ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим, маънавий ва маданий савиасини ошириш манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш. шу жумладан, мазкур фаолият турларида рўйхатга олиш ишларини бажариш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ҳамда

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасида республика фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари химоя этилишини таъминлаш;

ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил қилиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолиятида, даврий нашрларни тарқатишда ягона техникавий сиёсат ўтказиш;

реклама тайёрлаш, шунингдек уни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

ноширлик-матбаачилик фаолиятининг ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификациялаш соҳасидаги чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб;

вилоят ҳокимлари ҳузуридаги матбуот ҳудудий бошқармалари тегишли равиша матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳрир килиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда файриқонунуни аралашиб қатъяян ман этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузувчи давлат бошқарувчи органларига, жойлардаги ҳокимият органларига, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига ўз ваколати доирасида, қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар (тақдимномалар) юбориш ҳукуки берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва тақдимномалари вазириклар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этиш учун мажбурий хисобланади.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриётлар томонидан матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчилик мунтазам равиша бажарилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги уларга берилган лицензия ҳамда рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини суд орқали тўхтатиб қўйишга хақлидир.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичидаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир хафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан қарор кабул қиласин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 3 июль,  
ПФ-3103-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **101 Ўзбекистон Республикаси худудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси худудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб ноозик-овқат истеъмол товарлари олиб келадиган юридик шахслар учун истеъмол товарлари импортига амалдаги божхона тўловлари билан бир қаторда тўланадиган йифим жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб истеъмол товарларини олиб келиш чоғида юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар бекор қилинади, иловада кўрсатилган товарлар бундан мустаснодир.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига божхона қонунчилигини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига товарлар олиб келиниши фактлари аниқланган, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда хукуқбузарлик буюмларини мусодара этиш ҳуқуки берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир хафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлеклари ва идоралари билан бирга ўн кун муддатда амалдаги қонунчилика мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 11 июль,  
ПФ-3105-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Импорт қилинганида амалдаги қонунчиликка мувофиқ  
юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўлаш  
бўйича имтиёзлар сакланиб қоладиган истеъмол товарлари  
рўйхати**

T/p	Товарларнинг номи	Божхона тўлови тури
1.	Импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий аҳамиятдаги буюмлар	Қўшилган қиймат солиги
2.	Инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб келинадиган товарлар	Қўшилган қиймат солиги ва божхона пошлинаси
3.	Олиб келинадиган компьютер техникаси ва унинг бутловчи қисмлари, дастурий воситалар	Қўшилган қиймат солиги, акциз солиги ва божхона пошлинаси
4.	Эркин савдо режими ўрнатилган давлатларда ишлаб чиқарилган ва олиб келинадиган товарлар	Божхона пошлинаси
5.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ёки унинг кафолати остида тузилган ҳукуматлараро ва кредит битимлари бўйича етказиб бериладиган товарлар	Божхона пошлинаси
6.	Кўргазмалар учун экспонатлар, реклама ва тақдимотлар сифатида олиб келинадиган товарлар	Божхона пошлинаси
7.	Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки халқаро шартномалари асосида пошлинасиз олиб келиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий давлатлар вакиллари, жисмоний шахслар томонидан расмий ёки шахсий фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб келинадиган товарлар	Божхона пошлинаси
8.	Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ва божхона қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқариш ёки ўзгача тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар	Божхона пошлинаси

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **103      Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бош- қариши ташкил этишини такомиллаштириш чора-тад- бирлари тўғрисида**

#### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика енгил саноатини бош-қариши такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3102-сон Фармонини бажариш ҳамда тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва чинни саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, тармоқ корхоналарини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва уни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2005 йилгача бўлган даврда тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш Концепцияси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзбекенгилсаноат» («O’zbekyengilsanoat») давлат-акциядорлик компанияси бош-қарувига Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишган холда, зарурат бўлганда 2005 йилгача бўлган даврда тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш Концепциясида назарда тутилган инвестиция лойиҳалари рўйхатига ўзгартишлар киритишга рухсат этилсин.

2. Белгилансинки:

«Ўзбекенгилсаноат» («O’zbekyengilsanoat») енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компанияси «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг ҳуқук ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

«Ўзбекенгилсаноат» («O’zbekyengilsanoat») давлат-акциядорлик компанияси таркибида мулкчиликнинг турли шаклларида, пахта толасини қайта ишлаш, трикотаж, тикувчилик ва чинни буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек компания уставига зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар кириши мумкин;

«Ўзбекенгилсаноат» («O’zbekyengilsanoat») давлат-акциядорлик компанияси аппарати таъминоти ўз хўжалик фаолияти ва унинг таркибида шартнома асосида кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўтказиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

3. Қўйидагилар:

«Ўзбекенгилсаноат» («O’zbekyengilsanoat») енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва унинг таркибида кирувчи корхоналар рўйхати 2 ва 3-иловаларга\* мувофиқ;

ходимларининг чекланган сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари)

---

\* 2, 3-иловалар берилмайди.

58 кишидан иборат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 4-иловага\* мувофиқ маъкуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекенгилсаноат» («O’zbekengilsanoat») енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компаниясининг бошланғич устав сармояси компаниянинг устав сармоясидаги давлат улуши ҳисобига 5-иловага\* мувофиқ акциядорлик жамиятларининг компанияяга (тасарруф этиш хуқуқисиз) бериладиган акциялари давлат пакетлари, шунингдек қайта ташкил этилаётган «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси мол-мулки ҳисобига шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қайта ташкил этилаётган «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси билан биргаликда акциядорлик жамиятларидаги акцияларнинг давлат пакетларини ва компания таркибига кирувчи қўшма корхоналардаги улушларни «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига беришни белгиланган тартибда бир ой муддатда расмийлаштиурсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви тўққиз кишидан, шу жумладан раис ва унинг уч нафар ўринбосаридан иборат бўлади, ўринбосарлардан бири биринчи ўринбосар ҳисобланади. Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари белгиланган тартибда компаниянинг юкори бошқарув органлари томонидан сайланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси мақоми, майший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиши шароитлари бўйича вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари эса — вазир ўринбосарларига тенглаштирилсин.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисига зарурат бўлганда ижро этувчи аппарат тузилмасига белгиланган штатлар сони доирасида ўзгаришишлар киритишга рухсат берилсин.

6. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари 2005 йилгача бўлган даврда тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш Концепциясига кирган обьектларни қуриш ва техника билан қайта жихозлаш учун келтириладиган технология асбоб-ускуналари ва асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқари) истисно тариқасида 2006 йил 1 январгача озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 2 июль,  
240-сон

\* 4, 5-иловалар берилмайди.

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 2 июлдаги 240-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**2005 йилгача бўлган даврда тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш Концепцияси**

**Кириш**

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 27 марта топшириғига мувоғиқ, иккинчи чақириқ Олий Мажлис I сессиясида белгиланган иқтисодиётдаги ислоҳотлар ва қайта ўзгартиришларни чукурлаштиришнинг умумдавлат стратегияси доирасида ишлаб чиқилган.

Концепцияда тармоқнинг ҳозирги аҳволига баҳо берилган ва 2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантиришнинг асосий ўналишлари белгиланган.

**I. Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш Концепциясининг мақсади ва вазифалари**

1.1. 2005 йилгача бўлган даврда республикада енгил саноатни ривожлантиришнинг мухим ўналишлари бўйича ягона сиёsat стратегиясини белгилаш ушбу Концепциянинг мақсадидир.

Қуйидагилар енгил саноатни ривожлантириш Концепциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги манфаатларини қўзлаб ип-газлама маҳсулотларини аҳоли, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ва соҳалари, мудофаа ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортчилари эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган ҳажмларда ишлаб чиқаришни таъминлаш;

тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш амалга ошириш, маҳаллий хом ашё – пахта толасини чукур қайта ишлашни кўпайтиришни таъминлайдиган янги, юқори самарали технологияларни жорий этиш;

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг турларини кенгайтиш, унинг ички ва ташки бозорларда рақобатбардошлилигини ошириш, тармоқнинг экспорт потенциалини анча ўстириш;

тармоқда янги иш ўринлари яратиш, экология жиҳатидан хавфсиз ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, тўқимачилик ва енгил саноат ходимларининг таълим даражасини ва маҳсус билимларини ошириш;

ўзаро боғлик тармоқлар, шу жумладан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун моддий-техник базани шакллантириш.

1.2. Кўйилган мақсадга эришиш тармоқда таркибий қайта ўзгартиришлар, ишлаб ётган корхоналарни техник жиҳатдан янгилаш ва замонавийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда янги, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш билан боғлик бўлган вазифаларни ҳал қилишни назарда тутади.

Концепцияни рўёбга чиқаришда мавжуд ишлаб чиқариш фондлари ишга солина-

ди ва тўқимачилик саноати обьектларининг илгари бошланган қурилишлари ниҳоя-сига етказилади.

## **II. Тармоқнинг ҳозирги аҳволини баҳолаш ва Концепцияни амалга ошириш заминлари**

2.1. 90-йиллар бошида енгил саноат корхоналари асосан маънавий ва физик жиҳатдан эскирган, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир бўлмаган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган эди. Ушбу корхоналарда ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар ва умуман меҳнат шароитлари замонавий талабларга жавоб бермасди.

Ишлаб чиқаришда 973,3 минг дона урчук ишга солинганди ва республикада тайёрланадиган пахта толасининг 10 фоиздан камроғи қайта ишланарди. Маҳсулотни экспорт қилиш 7,7 млн. АҚШ долларидан ошмасди.

Умуман миңтақага хом ашё базаси сифатида қараларди, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тармоғи (тикувчилик ва трикотаж тармоғи) ривожланмади.

2.2. Мустақилликка эришилгач ва Ҳукуматнинг кўллаб-куватлаши туфайли тармоқда туб ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантириши давлат томонидан кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 29 апрелдаги 166-сон қарори тармоқ корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва янги қувватларни ишга тушириш дастури бўлди.

Тармоқда 35 тадан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, 152 млрд. сўмлик капитал кўйилмалар, шу жумладан 644,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Пахта толасини қайта ишлашнинг йиллик ҳажми 240 минг тоннага (тайёрланган ҳажмнинг 24 фоизи) етказилди. 814 минг дона ип йигириш урчуқлари — замонавий, юкори самарали тўқимачилик асбоб-ускунаси ишга туширилди. Бу мавжуд технологик асбоб-ускуналар паркининг 83,7 фоизини ташкил қилди. 733 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Кўшимча равишда 32 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Хорижий инвестицияларини жалб этган холда Тошкент ва Тўйтепа шаҳарларидаги иккита йирик фабрикани бирлаштирган «Қабул-Ўзбек КО» ҚҚ, «Қабул-Фарғона Ко» ҚҚ, «Чиноз тўқимачи» ҚҚ, «Оқсарой тўқимачи Лтд» ҚҚ, «Косонсой Текмен» ҚҚ, «Папфен» ҚҚ ташкил этилди, «Наманган тўқимачи» АЖ, «Аснам тўқимачи» АЖ, «Қаштўқимачи», «Гурлан», «Антўқимачи» тўқимачилик комплекслари, «Коракўлтўқимачи» ҚҚ, «Мидатўқимачи» ҚҚ ва бошқалар техника билан қайта жиҳозланди.

Маҳаллий маблағлар хисобига «Бухоротўқимачи» АЖ, «Чинобод ПТФ» АЖ, «Тоштўқимачи» АЖ, «Яккабог тўқувчилик фабрикаси» АЖ, Тошкент вилоятидаги крахмал ишлаб чиқариш заводида техника билан қайта жиҳозлаш ва қурилиш ишлари амалга оширилди.

Енгил саноат корхоналарида инвестицияларнинг ўсиши қўйидаги рақамлар билан белгиланади — 1994 йилда енгил саноат корхоналарида хорижий инвестициялар ҳажми 5,25 млн. АҚШ долларини ташкил қилди, 2001 йилда ўсиш даражаси 644,4 млн. АҚШ долларига етди, 2002 йилда эса унинг 829,7 млн. АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Ҳозирги вақтда тармоқда 17 та қўшма корхона ишляяпти, улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг тармоқда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги салмоғи 2 фоиздан 30 фоизгacha, экспорт салмоғи эса 17 фоиздан 88,1 фоизгacha кўпайди.

2001 йилда «Хива гилами» АЖ базасида 2,3 млн. кв. м гилам ишлаб чиқариш бўйича

«Хива карпет» ҚК лойиҳасини амалга ошириш бошланди, Фарғона вилоятида 7,2 минг тонна қалава ишлаб чиқариш бўйича «Бестекс» ҚК лойиҳасини ишлаб чиқиш тўлиқ тугалланди.

2002 йилда Бўка шахридаги (Тошкент вилояти) қурилиши тугалланмаган объектлар базасида Ўзбекистон-Корея ва Ўзбекистон-Япония қўшма корхоналари ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошланди.

Амалга оширилган ишлар натижасида енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмлари ошди. 2001 йилда маҳсулот экспорт қилиш 1994 йилдагига нисбатан 15,5 баравардан кўпроққа ошди ва 136,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. 2002 йилда ушбу кўрсаткични 167,9 млн. АҚШ долларигача етказиш мўлжалланмоқда.

### **III. Тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва устуворликлари**

3.1. 2005 йилгача бўлган даврда тармоқнинг 40 та корхонасида техника билан қайта жихозлаш ва қурилишни тугаллаш назарда тутилмоқда, бу 2005 йилда пахта толасини қайта ишлаш бўйича қувватларни 469,1 минг тоннагача кўпайтириш имконини беради, улар 2005 йилгача босқичма-босқич ишга туширилади.

Ип-газлама ишлаб чиқариш тармоғида 2005 йилгача 24 та ишлаб турган корхонани техника билан қайта жихозлаш, 14 та обьект қурилишини таъминлаш мўлжалланган, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва уларнинг турларини кенгайтириш имконини беради. Тўқимачилик соҳасига капитал қўйилмалар миқдори 2002-2005 йилларда 1033,8 млн. АҚШ долларини ташкил қиласди (1-жадвал\*).

Тикувчилик-трикотаж тармоғида 2005 йилгача трикотаж буюллар ишлаб чиқариши 89,2 млн. донағача (3 баравар) кўпайтириш мўлжалланмоқда. Тикувчилик-трикотаж тармоғига капитал қўйилмалар ҳажми 12,5 млн. АҚШ долларидан ошади.

3.2. Барча бўғинларни бошқариш тизимларини янада такомиллаштириш, ташкилий тузилмаларни қайта ўзгартириш ва бозор асосидаги ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Енгил саноат корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар белгиланган. Ўзбекистон енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси («Ўзбекенгилсаноат»)ни «Ўзбекенгилсаноат» («O'zbekengilsanoat») енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компаниясига айлантириш назарда тутилмоқда, унга қўйидаги асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари юкланди:

тармоқни ривожлантиришнинг ягона техник, молиявий ва технологик сиёсатини ташкил этиш, унинг ялли ички маҳсулотдаги улушкини ошириш, тармоқда келишилган инвестиция сиёсатини ўтказиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, илгор саноат технологияларини жорий этиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун корхоналарни замонавийлаштириш ва техника билан қайта жихозлаш;

ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштиришни ривожлантиришда енгил саноатнинг тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик тармоқлари корхоналарини кооперациялашга кўмаклашиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга, маҳаллий капитал қўйилмаларни ва хорижий инвестицияларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи хўжалик фаолиятини амалга ошириш;

тармоқда иктисадий ислоҳотлар жараёнларини чуқурлаштириш, корхоналарни кенг кўламда акциялаштириш, Давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари ва корхоналарини бошқаришда, уларнинг фаоллигини ошириш.

\* 1-жадвал берилмайди.

ришда қатнашиш, умумий манбаатларга риоя этиш ва тармоқни сифатли таркибий қайта ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш устидан ягона назоратни амалга ошириш;

пахта толасини қайта ишлаш, корхоналарни зарур материаллар, техника ресурслари билан таъминлаш, тайёр маҳсулотни экспортга сотиш соҳасида кооперациялашнинг янги ташкилий шаклларини ривожлантириш;

аҳоли эҳтиёжлари ва талабини шакллантиришнинг ижтимоий аспектларини ишлаб чиқиши, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли эҳтиёжларини янада тўларок қондириш масалаларини ҳал этишда саноат ва савдонинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

тўқимачилик саноати маҳсулотларини кўргазма, реклама, маркетинг фаолиятини самарали амалга оширишни таъминловчи ихтисослаштирилган тузилмалар орқали ҳам ички бозорга, ҳам хорижий мамлакатлар бозорларига фаол киритиш.

3.3. Концепцияни амалга ошириш 2001 йилдагига нисбатан ип-калавалар ишлаб чиқаришни 406,0 минг тоннагача етказиш, уни 3,2 баравар кўпайтириш, хом сурп ишлаб чиқаришни 520,0 млн. узала метргача (1,7 баравар) кўпайтириш, трикотаж газламалар ишлаб чиқаришни 6,8 баравар, трикотаж, гилам ва тикувчилик буюмларини тегишли равишда 3; 2,6 ва 1,5 баравар кўпайтириш имконини беради (2-жадвал\*). Уюшманинг экспорт потенциали 2000 йилдагига нисбатан 4,7 баравар кўпайтирилади ва 2005 йилда 650,0 млн. АҚШ долларигача етказилади.

#### **IV. Ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш натижалари ва иқтисодий самарадорлиги**

Пахта толасини чуқур қайта ишлаш қувватларини оширишни назарда тутувчи Концепцияни амалга ошириш натижасида Ўзбекистон тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришларни технологиялар ва техника билан жиҳозлашни сифат жиҳатидан янгилаш назарда тутилмоқда.

4.1. Умуман олганда тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш Концепцияси амалга оширилганда қўйидаги асосий натижаларга эришилади:

тўқимачилик саноатининг 26 та ишлаб турган корхонаси техника билан қайта жиҳозланади ва 14 та янги обьекти курилади (3-жадвал\*);

тармоқ корхоналари томонидан пахта толасини қайта ишлашнинг республика бўйича умумий ҳажмдаги салмоғи 2001 йилдаги 24 фойиздан 2005 йилда 50 фойизгача кўпаяди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2,2 баравар кўпаяди ва 2005 йилда 430,0 млрд. сўмни ташкил қиласи;

тармоқ корхоналари оладиган фойда 5,3 баравар ошади ва 50,9 млрд. сўмни ташкил қиласи;

кўшимча равишида 24,7 минг, шу жумладан қишлоқ жойларда — 13,1 минг иш ўринлари ташкил этилади;

ҳар йилги экспорт ҳажми 650 млн. АҚШ долларидан, шу жумладан ип-газламалар бўйича 180 млн. АҚШ долларидан (ўсиш 4,6 баравар), тайёр буюмлар бўйича 26,6 млн. АҚШ долларидан ошади ёки 4,3 баравар кўпаяди (4-жадвал\*).

4.2. Республикада пахта толасини қайта ишлашнинг кўпайиши жаҳон бозорида пахта толасидан фойдаланиш балансининг қайта тақсимланишига олиб келади ва бу:

тўқимачилик саноати асосий ишлаб чиқаришлари Ўзбекистонда кўпайишини рағбатлантиришга ва республикага кўшимча инвестициялар жалб этилишига;

қарийб 1046 млн. АҚШ доллари микдоридаги кўплаб капитал қўйилмаларнинг

---

\* Жадваллар берилмайди.

жалб этилишига ва ўзлаштирилишига олиб келади, бу республикада тўқимачилик машинасозлигини ривожлантиришга замин яратади, чунки эҳтиёт қисмларга, бутловчи узеллар ва деталларга бўлган ҳар йилги эҳтиёж 2005 йилдаёқ камида 200 млн. АҚШ долларини ташкил қиласди;

жаҳон бозорида рақобатга бардошли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тўқимачилик саноатининг бўёқлар, синтетик толалар ва бошқа ёрдамчи материалларга эҳтиёжи республикада кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун асос бўлади;

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларида тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича устун мавқени эгаллайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 2 июлдаги 240-сон қарорига  
8-ИЛОВА

### **Ҳукуматнинг тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси («Ўзбекенгилсаноат») масалалари тўғрисида» 1991 йил 20 майдаги 139-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси («Ўзбекенгилсаноат») бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ҳамда унинг корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 28 ноябрдаги 558-сон қарори 1-бандининг иккинчи хат боши, қарорнинг 2, 3, 5, 7, 8-бандлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси («Ўзбекенгилсаноат») корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий ўйналишлари тўғрисида» 1994 йил 4 апрелдаги 179-сон қарорининг 1, 2, 3, 5, 6, 7, 8-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 29 апрелдаги 166-сон қарорининг 11-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **104 Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фоалиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошкарувни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 3 июлдаги ПФ-3103-сон Фармонига мувофиқ ҳамда республика ва худудий матбуот ва ахборот органлари фаолиятини ташкил этишни таъминлаш, нашриёт иши ва матбаанинг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Мажкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ;

Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш марказининг тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг тузилмаси ҳамда матбуот ва ахборот худудий бошқармасининг намунавий тузилмаси 4, 4а-иловаларга\* мувофиқ;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги Низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳукуқ ва мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ҳукуқий вориси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ходимларининг чекланган сони 55 нафардан иборат этиб (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) ва унинг худудий органлари ходимларининг чекланган сони 138 нафар этиб белгилансан.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош директорига ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида бошқарув тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳукуки берилсан.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига бош директорнинг уч нафар ўринbosарига, шу жумладан бир нафар биринчи ўринbosарга ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан тасдиқланадиган 7 кишидан иборат ҳайъатга эга бўлишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори мақомига кўра вазирiga, бош директорнинг биринчи ўринbosарлари тегишли равища — вазирнинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарларига тенглаштирилсан.

5. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг директори ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Матбуот ва ахборот худудий бошқармалари бошликлари тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази тўғрисидаги Низомни икки хафта муддатда ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

республика матбуот ва ахборот бозори қатнашчиларининг ягона умумдавлат реестрлари мунтазам юритилишини таъминласин;

оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги янгилангандан низомларни бир ой муддатда тасдиқлаш учун Вазирлар Мажкамасига киритсан;

\* 1, 2, 3, 4, 4а-иловалар берилмайди.

2002 йил 1 октябргача — Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида ноширлик ва матбаа фаолиятини ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиксин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилансинки, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати ва худудий органлари таъминоти харажатларини молиялаш давлат бюджети маблаглари, шунингдек унга қарашли ташкилотларнинг шартнома асосидаги ажратмалари ва хўжалик фаолиятидан олинадиган бошқа тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ҳар йили республика бюджетини шакллантиришда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, унинг худудий органларининг таъминоти ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига марказий аппарат учун тўртта енгил автомобиль ва Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги матбуот ва ахборот худудий органлари учун биттадан енгил автомобиль харажатларига лимит ажратсан.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Агентлик фаолиятининг техник базасини мустаҳкамлашга доир таклиф киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги икки ой муддатда матбаа саноатининг корхоналари ва ташкилотлари устав жамғармаларидаги давлатга ва меҳнат жамоаларига тегишли акциялар улушлари, пайлари, пакетларини хатловдан ўтказсан ҳамда уларни амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқлаштиурсин. Амалга оширилган ишлар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига матбаа корхоналарини бундан бўён акциялаштириш ва хусусийлаштириш юзасидан таклифлар киритсинлар.

10. Миллий китоб палатаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги таркиби-дан А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси таркибига берилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига китоб савдосини ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсинлар.

12. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг марказий аппарати Тошкент шаҳар, Навоий кўчасидаги 30-ўйга жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 18 январдаги 39-сон, 1991 йил 12 майдаги 129-сон, 1997 йил 10 апрелдаги 182-сон қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 марта 108-сон қарорининг 3-банди ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конунчиликка мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С. Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 3 июль,  
241-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 3 июлдаги 241-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## **Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) матбуот ва ахборот-оммавий ахборот воситалари, ахборотлар алмаши, матбуот, ноширлик, матбаачилик фаолияти ва даврий нашрларни тарқатиш соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишни таъминловчи давлат ижро этувчи ҳокимият органи хисобланади.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Агентлик ўз фаолиятини давлат ижро этувчи ҳокимиятининг бошқа органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

### **II. Агентликнинг вазифалари ва функциялари**

4. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари хисобланади:

оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолияти соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлар ва қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатларининг таъминланиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

республика фуқароларининг ахборотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ кондириш, аҳолининг, энг аввало, ўсиб келаётган авлоднинг ва ёшларнинг таълим, маънавий ва маданий даражасини ошириш манфаатларини кўзлаб оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ишларини ва матбаачиликни кенг ривожлантиришга кўмаклашиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан қўрсатиб ўтилган фаолият турларини рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ва республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш;

республика фуқаролари ва юридик шахсларининг ахборотларни тайёрлаш, тарқатиш, улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва манфаатларининг химоя қилинишини таъминлаш;

ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил этиш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, оммавий ахборот воситалари бозорида тенг мавқени таъминлаш;

ноширлик ва матбаачилик фаолиятида, даврий нашрларни тарқатишда ягона техника сиёсатини ўтказиш;

рекламалар тайёрлаш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш;

ноширлик-матбаачилик фаолиятининг ишлаб чиқариш-техникавий базасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, стандартлаш ва сертификатлаш соҳасидаги чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Агентлик ўзига юкланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ноширлик-матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, ахборот ва реклама агентликларининг ягона реестрларини юритиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш;

ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил этиш;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ва республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонун хужжатларига риоя этилиши мониторингини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш шартларига риоя этилишини назорат қилиш, огоҳлантириш, рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномалар ва лицензияларнинг амал қилишини белгиланган тартибида тўхтатиб туриш ва тўхтатиш;

техник ва бошқа нормативлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва техникавий базани ривожлантириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш, стандартлаш ва сертификатлаш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш;

матбуот ва ахборот соҳасидаги фаолиятни, шу жумладан тегишли тартиботларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни бошқариш;

фаолият соҳаларида Агентлик ваколатига алоқадор ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

Агентлик ваколатига кирувчи тармоқлардаги фаолиятни ривожлантириш прогнозлари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

Агентлик юритадиган соҳага тааллукли иқтисодий, ижтимоий, техникавий, ҳукуқий муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳал этиш, шу жумладан тегишли қонун хужжатлари ва бошқа норматив ҳукуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Агентлик тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириб бориш, уларнинг моддий-техникавий таъминотига кўмаклашиш;

матбуот ва ахборот соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ташкилотларнинг ўзининг ваколатига тааллукли масалалар бўйича ишларида қатнашиш.

### **III. Агентликнинг ҳукуқлари**

6. Агентлик ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳукуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг барча жисмоний ва юридик шахслари (мулкчилик шаклларидан қатъи назар) томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўз ҳудудий органларини белгиланган тартибида ташкил этиш ва тугатиш;

давлат органларидан ва бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан зарур ахборотлар, хужжатлар ва материалларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибида сўраб олиш;

қонун лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, тадқиқот ишларини амалга ошириш ва консультациялар учун илмий ташкилотларни, давлат органлари ходимларини, мутахассислар ва экспертларни, шу жумладан хорижий мутахассислар ва эксп

пертларни белгиланган тартибда жалб этиш, вақтингчалик ижодий жамоалар ташкил килиш;

ўз фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда муассасалар ва корхоналар ташкил этиш;

юкланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ташкил иктисодий, маданий ва маърифий фаолият соҳасида олди-сотди шартномалари тузиш;

матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузатган давлат бошқаруви органларига, жойлардаги ҳокимият органларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан ўз ваколати доирасида қонунчилиқда белгиланган тартибда қарорлар (бўйруқлар) чиқариш.

Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида чиқарган қарорлари ва бўйруқлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Матбуот ва ахборот соҳасидаги амалдаги қонунчилик оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар томонидан мунтазам равиша бажарилмаган тақдирда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги нашриётлар ва оммавий ахборот воситаларининг ноширлик фаолиятига лицензияларнинг ҳамда рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг амал қилишини суд тартибида тўхтатишга ҳақлидир.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг оммавий ахборот воситаларини цензура қилиши, таҳrir этиши ва уларнинг фаолиятига бошқача шаклларда аралашиши тақиқланади.

#### **IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

9. Агентликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошқаради.

10. Агентликнинг бош директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори мақомига кўра вазирга, бош директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тегишли равиша вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарига тенглаштирилади.

12. Агентликнинг бош директори яккабошлиқ асосида Агентлик фаолиятига раҳбарлик қиласи ва Агентликка юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

13. Бош директор:

Агентликнинг норматив хужжатларини тасдиқлайди (имзолайди);

конун хужжатлари ва бошқа норматив хужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ходимларнинг сони ва меҳнатга хақ тўлаш фонди доирасида Агентлик марказий аппаратининг тузилмаси ва штат жадвалини, унинг худудий органлари ходимлари сонини, шунингдек маблағ ажратишнинг тегишли даврига давлат бюджетида тасдиқланган доирада улар таъминоти харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Агентликнинг мансабдор шахслари, худудий органлар, Агентлик ихтиёридаги

ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради, шунингдек белгиланган тартибда уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

Агентлик марказий аппарати ходимларини ва худудий органлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди;

Агентликнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлади;

Агентлик ихтиёридаги ташкилотлар уставларини тасдиқлади, уларнинг раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини (контрактларни) белгиланган тартибда тузади, ўзгартиради ва бекор қиласди;

Агентлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича Агентликнинг Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини белгиланган тартибда таъминлайди;

Бош директорнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

14. Агентликда бош директор (хайъат раиси) ва лавозимига кўра унга кирувчи бош директорнинг ўринбосарлари, шунингдек бош директорнинг тавсияси бўйича оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникациялар, матбуот соҳасидаги, нашриётлар ва матбаанинг бошқа раҳбар ходимларидан ҳамда бошқа шахслардан иборат бўлган 7 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъат аъзолари, унинг таркибига лавозими бўйича кирувчи шахслардан ташкири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат Агентлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади. Ҳайъат қарорлари, қоидага кўра, бош директорнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Бош директор билан ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик келиб чиқсан тақдирда бош директор узилкесил қарор қабул қиласди ҳамда пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради. Ҳайъат аъзолари ўз фикрини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

15. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Агентликнинг худудий органлари — тегишли равишда Матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги матбуот ва ахборот бошқармалари ташкил этилади.

16. Агентлик ҳузурида эксперт кенгашлар ва комиссиялар ташкил этилиши мумкин. Кенгаш ва комиссиялар тўғрисидаги низомлар ва уларнинг таркиби бош директор томонидан тасдиқланади.

17. Агентликнинг марказий аппарати ва худудий органлари таъминоти сарф-харжатлари давлат бошқаруви учун назарда тутиладиган давлат бюджети маблағлари, шунингдек Агентликка қарашли ташкилотларнинг шартнома асосидаги ажратмалари, хўжалик фаолиятидан олинадиган бошқа тушумлар ҳисобига маблағ билан таъминланади.

Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази давлат бюджети маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

18. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб рақамига ва бошқа ҳисоб рақамларига эга бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **105 Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Электр таъминотининг ишончлилигини ва электр тармоқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси «Ўздавэнергоназорат» агентлиги билан биргаликда Қоидаларни маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва тегишли плакатлар чиқариш ўёли билан ахолини Қоидалар билан таништиришни ташкил этсин.

3. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари, вазирликлар ва идоралар электр тармоқлари жойлашган жойларда ишларни амалга ошираётган ўзларига қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан кўрсатиб ўтилган Қоидалар бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Атаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 5 июль,  
243-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 5 июлдаги 243-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасида электр тармоқларини ўрнатиш, уларнинг сақланишини таъминлаш ва муҳофаза зонасида улардан фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

2. Қоидаларнинг амал қилиши электр тармоқларининг мулкчилик шакллари ва идоравий тегишлилигидан қатъи назар электр тармоқларининг барча линияларига жорий этилади.

3. Қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийdir.

4. Мазкур Қоидаларда электр тармоқлари деганда кичик станциялар, тақсимлаш курилмалари, ток ўтказгичлар, электр узатиш ҳаво линиялари\*, электр узатиш ер

---

\* Кейинги ўринларда «ток ўтказгичлар» ва «электр узатиш ҳаво линиялари» «электр узатиш ҳаво линиялари» деб юритилади.

ости ва сув ости кабель линиялари ва уларга тегишли бўлган иншоотлар тушунилади.

## II. Электр тармоқлари ва иншоотларини жойлаштириш

5. Электр тармоқлари қурилиши учун ер участкалари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда ажратилади.

6. Электр тармоқларининг муҳофаза зонаси — ер участкаси ёки юзасидан тубигача сув маконидир. Уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишининг алоҳида тартиби белгиланади. Мазкур Коидаларга мувоғиқ белгиланган электр тармоқлари нинг муҳофаза зоналари ажратилган ер участкалари ҳисобланади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

7. Ихтиёрида электр тармоқлари бўлган жисмоний ва юридик шахслар трассаларнинг ижроия топогеодезия суръатлари материалларини уларни ердан фойдаланишининг тегишли ҳариталарига киритиш учун ҳудудий архитектура ва қурилиш органларига тақдим этиши шарт.

8. Электр тармоқларининг муҳофаза зоналари ҳудудлар кадастр бўйича бўлинган ва ер участкалари кадастр бўйича суратга олинган ҳолда қишлоқ жойларда ер ресурслари туман хизматлари томонидан, шаҳарлар ва посёлкаларда кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан натурада белгиланади ҳамда кадастр ишида қайд этилиши ва ер участканинг кадастр режасида акс эттирилиши керак.

9. Ифлослантириш ва электр тармоқларининг коррозияга учраши манбаи бўлган обьектларни қуриш, реконструкция қилишининг лойиха-смета хужжатларида ифлосланниш ва коррозияга учрашни чекловчи ёки электр тармоқларининг ифлосланниш (коррозия) зонасидан чиқариш билан боғлиқ чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

10. Мавжуд электр тармоқлари муҳофаза зоналарининг ер майдони ер участкалари мулқдорлари, ер эгалари, шу жумладан ижарачилардан олиб қўйилиши мумкин эмас.

11. Алоҳида ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг рухсати билан алоҳида муҳофаза килинадиган табиий ҳудудларда (кўриқхоналар, миллий боғлар ва бошқалар) электр тармоқлари қурилишига йўл қўйилади.

## III. Электр тармоқларини муҳофаза қилиш

12. Электр тармоқлари ушбу электр тармоқлари ўз ихтиёрида бўлган ташкилотлар томонидан муҳофаза қилинади.

13. Электр тармоқларининг муҳофаза зоналари мазкур Коидалар билан:

20 киловольт кучланишли линиялар учун — 10 метргача

35 киловольт кучланишли линиялар учун — 15 метргача

110 киловольт кучланишли линиялар учун — 20 метргача

220 киловольт кучланишли линиялар учун — 25 метргача

500 киловольт кучланишли линиялар учун — 30 метргача масофада четдаги симнинг линиясидан ҳар икки томон бўйича турувчи чекланган вертикал текислик ер участкаси ва ҳаво макони шаклидаги электр узатиш ҳаво линияси бўйлаб;

ер юзасида (уларнинг чекланмаган ҳолатида) ҳар икки томонидан 2 метр четдаги сим проекциясида турган ер участкаси, чекланган параллель тўғри шаклдаги минг вольтгача электр узатиш ҳаво линиялари бўйлаб (биноларга кириш учун тортилган симлардан ташқари);

хар икки томондан бир метр четдаги кабелларда турган, кабель линиялари шаҳарларда йўлаклар остидан ўтган тақдирда — 0,6 метр бинолар ва иншоотлар томонга ва қўчанинг одамлар юрадиган томонига 1 метр ер участкаси, чекланган параллель тўғри шаклдаги электр узатиш ер ости кабель линиялари бўйлаб;

хар икки томондан четдаги кабеллардан 100 метргача масофада турган вертикаль текислик ўртасидаги тубнинг сув юзасидан сув макони участкаси шаклида электр узатиш сув ости кабель линиялари бўйлаб белгиланади.

Электр узатиш линиялари билан энг яқиндаги бинолар ва иншоотлар, шунингдек дараҳтлар ва бошқа кўп йиллик ўсимликлар ўртасидаги йўл қўйиладиган энг кам масофа электр қурилмаларини лойиҳалаштириш ва ўрнатиш асосида белгиланади.

Мазкур Қоидаларнинг 11-бандида назарда тутилган ҳолларда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий худудларда электр тармоқларининг муҳофаза зоналари ўлчови ва уларнинг режими Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишган ҳолда электр тармоқлари ўз қарамоғида бўлган ташкилот томонидан белгиланади. Электр тармоқларига хизмат қўрсатиш учун кириш йўллари ва бошқа иншоотлар Давлат экологик экспертизасининг ижобий хуносасини олган лойиҳалар асосида амалга оширилади.

14. Агар электр узатиш линиялари ўрмон массивлари орқали ўтса, бевосита симларга яқин жойда ўсан дараҳтлар электр узатиш линиясидан фойдаланувчи ташкилот томонидан кесиб ташланади. Электр узатиш линиялари парклар, боғлар ва бошқа кўп йиллик дараҳтлар орқали ўтса дараҳтларни кесиш электр узатиш линиясидан фойдаланувчи ташкилот томонидан амалга оширилади. Томонларнинг келишувига кўра эса ушбу дараҳтлар ўз ихтиёрида бўлган ташкилот томонидан ёки боғлар ва бошқа кўп йиллик дараҳтларнинг эгалари бўлган жисмоний шахслар томонидан электр узатиш линиясидан фойдаланувчи ташкилот томонидан белгиланган тартибида кесилади.

Тор йўллар очиш учун дараҳтларни кесиш электр тармоқлари эгалари томонидан ўрмон хўжалиги ташкилотларининг шартлари бўйича амалга оширилади. «Дараҳтларни кесиш қоидалари» (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 ноябрдаги 506-сон қарорига 2-илова) бузилишига йўл қўйган электр тармоқлари эгалари бунинг учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибида жавоб беради.

15. Авария ҳолатларининг олдини олиш учун электр узатиш линиялари ўтган жойларда ушбу линиялар трассасига туташиб кетган ўрмон массивларида айrim дараҳатларни ушбу дараҳтлар қарайдиган ташкилотнинг рухсати билан, кейинчалик ўрмон кесиш чипталари (далолатномалари)ни белгиланган тартибида расмийлаштирган ва кесиш жойини кесиш қолдиқларидан тозалаган ҳолда кесишга рухсат берилади.

16. Кабель лангар, балиқчилик чангаги ёки бошқа усул билан юқорига кўтарилиган тақдирда капитанлар, кема эгалари кабелни холи қилиш чораларини кўришга ва юз берган воқеа тўғрисида энг яқиндаги энергия таъминоти ташкилотига хабар қилишга мажбурдир.

17. Узилган, ерда ётган ёки осилиб турган электр узатиш хаво линияси симини кўрган, шунингдек тиргакнинг йиқилиши ёки симнинг узилиши хавфини сезган фуқаролар бу ҳақда дарҳол энг яқиндаги энергия таъминоти ташкилотига ёки туман (шаҳар) ҳокимлигига хабар бериши шарт.

18. Ихтиёрида электр тармоқлари ва кабель линиялари бўлган ташкилотнинг ёзма розилигисиз электр тармоқларининг муҳофаза зоналарида:

автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа тез ёнадиган материалларни жойлаштириш;

хар қандай бино ва иншоотларни қуриш, мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки бузиш;

хар қандай турдаги кон, ортиш-тушириш, сув хавзаси тубини чукурлаштириш, тупроқ кавлаб олиш, портлатиш, мелиорация ишларини амалга ошириш, дараҳтлар ва бутазорларни экиш ва кесиш, дала шийпонлари қуриш, мол учун кўра, сим тўсиқлар қуриш, узумзорлар ва боғлар учун шпалерлар ўрнатиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинларини суюриш;

балиқ ва бошқа сув жониворларини сув ости чангаклари билан тутиш, сув ўсимликлари чиқариб олиш, музни ёриш ва тайёrlаш;

йўл юзасидан юк билан ёки юксиз баландлиги 4,5 метрдан ортиқ бўлган машина ва механизmlарнинг юриши;

0,3 метрдан ортиқ чуқурликда, шудгорланадиган ерларда эса 0,45 метрдан ортиқ чуқурликда қазиш ишларини амалга ошириш, шунингдек тупрокни текислаш тақиқланади.

19. Электр тармоқларининг нормал ишлашини бузиш, уларнинг шикастланишига ёки баҳтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин бўлган бирор-бир ҳаракатни содир этиш, жумладан:

таянчларга, симларга чет буюмларни яқинлаштириш, шунингдек таянчларга чиқиш;

хар қандай уюмлар ҳосил қилиш;

озука, ўйт, похол, ўтин ва бошқа материалларни тўплаш, олов ёкиш;

ўйинлар учун спорт майдонлари, стадионлар, бозорлар қуриш, жамоат транспортининг тўхташ комплекслари, машина ва механизmlарнинг барча турлари тўхтайдиган жойлари қуриш, белгиланган тартибда рухсат берилган ишларни бажариш билан банд бўлмаган одамларнинг кўп тўпланиши билан боғлиқ бўлган хар қандай тадбирларни ўтказиш;

варраклар, учиш аппаратларининг спорт моделларини, шу жумладан бошқарилмайдиган моделларини учирish;

куввати 500 кВ бўлган электр узатиш линиясининг муҳофаза зонасида темир йўл транспортидан ташқари барча транспорт турларининг тўхташи тақиқланади.

20. Электр тармоқлари устидан ва улар яқинидан ҳаво кемаларининг парвози, ҳаво маконидан бошқача тарзда фойдаланиш, шунингдек электр тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғидан фойдаланишни тартибга солувчи қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

21. Кўрсатиб ўтилган ишларни юритишига ёзма розилик олган ташкилотлар электр тармоқларининг муҳофаза зоналарида ушбу тармоқларнинг сақланишини таъминловчи шарт-шароитларига риоя қилган ҳолда уларни бажаришлари шарт.

22. Электр тармоқлари муҳофаза зоналари яқинида уларнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган портлатиш, қурилиш ишлари ва бошқа ишларни олиб борувчи ташкилотлар ишларни бажариш бошланишидан камида 12 сутка олдин электр тармоқлари ўз ихтиёрида бўлган ташкилотлар билан электр тармоқлари сақланишини таъминловчи ушбу ишларни бажариш шартлари ва тартибини келишишга ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўришга мажбурdir.

23. Электр тармоқлари муҳофаза зоналарида портлатиш ишларини олиб боришига ёзма розилик ушбу ишларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан «Саноатконтехназорат» агентлигининг тегишли рухсатномаси тақдим этилгандан кейин берилади.

Ихтиёрида электр тармоқлари бўлган ташкилотларга электр тармоқлари муҳофаза зоналарида ишларни олиб боришига ёзма розилик бериш рад этилишининг са-

баблари кўрсатилиши керак ва рад этиш юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

24. Ўзларининг ер участкалари орқали электр тармоқлари ўтадиган юридик ва жисмоний шахслар ушбу линиялар сақланишини таъминлашга кўмаклашадиган ўзларига боғлиқ барча чораларни кўришга, электр тармоқлари эгалари билан ушбу ишларни амалга ошириш жойи ва муддатлари олдиндан келишилмасдан бинолар ва иншоотлар қурилишига йўл қўймасликка мажбурдир.

25. Электр тармоқларини қайта ўрнатиш ва кўчириш электр тармоқлари эгалари билан келишилган техник шартлар бўйича, ишларни бажарувчилар, асосий қурилишни ёки ишни амалга оширувчи ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер эгалари хисобига амалга оширилади.

26. Ер ишларини амалга оширувчилар ушбу ишларни олиб боришнинг техник хужжатларида қайд этилмаган ер ости кабеллари аниқланган тақдирда аниқланган кабеллар атрофида иш олиб боришни дархол тўхтатишга, уларнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўришга ва бу хақда жойлардаги давлат ҳокимияти органларига ва электр тармоқлари эгаларига хабар беришга мажбурдир.

#### **IV. Мухофаза зоналарида электр тармоқларидан фойдаланиш**

27. Агар электр тармоқлари алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий зоналар ва маҳсус режимли обьектлар худудидан ўтса, у холда тегишли ташкилотлар электр тармоқлари эгаларига сутканинг исталган вақтида кўздан кечириш ва ишларни бажариш учун руҳсатнома бериши керак.

28. Мухофаза зоналари ва ўрмон сўқмокларида электр тармоқлари эгаларига:

электр тармоқларига, асбоб-ускуналар ва трансформатор кичик станцияларига фойдаланиш хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган йўллар, кириш йўлаклари ва бошқа иншоотлар қуришга (ер ажратиш ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига тувашишга кўшимча келишувлар бўйича);

кейинчалик албатта кўмиб ташлаган ва ерларни текислаган ҳолда ушбу электр тармоқларини таъмирлаш учун чуқурлар ва хандаклар очиши;

ўрмон сўқмогининг белгиланган кенгликда бўлишини таъминлаш учун дараҳтларни кесишига руҳсат берилади.

29. Қишлоқ хўжалиги экинлари экишга мўлжалланган ерларда электр тармоқларидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини олиб боришига (авария-тиклаш ишларидан ташқари), қоидага кўра, ушбу йўллар қишлоқ хўжалиги экинлари билан банд бўлмаган пайтда руҳсат берилади.

Аварияларни тиклаш ишлари (экин бор-йўқлигидан қатъи назар) исталган даврда ўтказилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган ишлар бажарилгандан кейин электр тармоқлари эгалари қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун яроқли ҳолатга келтиришлари, шунингдек, агар электр тармоқларининг шикастланиши ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарачилар томонидан мазкур Қоидалар талаблари бузилиши оқибатлари бўлмаса, авария-тиклаш ишларини юритишда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарачиларга етказилган зарарни қоплаши керак.

30. Электр узатиш линияларининг муҳофаза зонаси темир йўл ёки автомобиль йўллари полосаси, кувурлар, алока линиялари, бошқа электр узатиш линиялари ва худуднинг мос келиш участкаларидаги ўзга обьектларининг кўриқланадиган зоналарига тўғри келиб қолганда ушбу зоналардан фойдаланиш томонларнинг келишувига кўра манбаатдор ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

31. Йўл қопламалари ва тупроқ олинишини талаб этувчи электр тармоқларини таъмирлаш ишлари (авария-тиклаш ишларидан ташқари) бундай ишларни олиб бориши шартлари тегишли йўл ташкилотлари билан, шахарлар ва бошқа аҳоли пунктлари доирасида — жойлардаги давлат хокимияти органлари билан келишилгандан кейин олиб борилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган ишларни бажариш шартлари тўғрисидаги маълумот электр тармоқлари эгаларига тегишли орган томонидан ишларни бажариш зарурлиги тўғрисида билдиришнома олинган кундан бошлаб 3 кун муддатда юборилиши керак. Иш жойларини тўсиш тегишли органлар билан келишилади.

Авария-тиклаш ишлари уларни амалга ошириш шартлари олдиндан келишилмасдан, бирок ишлар бажариладиган жойга йўл ташкилоти ёки жойлардаги давлат хокимияти органларининг вакилини албатта чақирган ҳолда ўтказилади. Бунда ушбу ишларни бажарувчи электр тармоқлари эгалари транспорт ва йўловчилар учун зарур огохлантириш белгилари қўйган ҳолда авария жойларини айланиб ўтиш йўллари куришлари хамда ишларни бажариш тугаллангандан кейин тупроқни текислаши ва йўл қопламаларини тиклаши керак.

32. Туманлар (шахарлар) ҳокимларли, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу электр тармоқлари шикастланганлигини огохлантиришда ва барча юридик ва жисмоний шахсларнинг мазкур Коидалар талабларига риоя этишини таъминлашда электр тармоқлари эгаларига қўмаклашадилар.

#### **V. Мухофаза зоналари доирасида ишларни бажариш шартлари**

33. Саноат қурилиши ва бошқа қурилиш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратиладиган участкаларда электр тармоқлари мавжуд бўлган тақдирда мазкур участкаларни олган ташкилотлар улардан фойдаланишни электр тармоқларининг тегишли эгалари билан келишиши шарт.

34. Электр тармоқларига эга бўлган ер участкаларида қурилишга розилик олиш учун қурувчилар томонидан ушбу обьект лойиҳаси мазкур электр тармоқлари эгасига тақдим этилиши керак.

Авария вазиятларида лойиҳасиз бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ишлари ва бошқа ишларни бажариш (ер ости кабель линиялари трассаларида — чуқур қазиш, йўлларни вактинча айланиб ўтиш, кириш ўйлини ёпиш ва сув чиқариш учун тупроқни қазиш, далаларни текислаш, қозиқоёқ қоқиши, тўсик учун таянч ўрнатиш, тупроқ намунаси олиш, турли мақсадлар учун хандак қазиш ва бошқалар) учун электр тармоқлари эгаларининг ёзма розилиги олиниши керак.

35. Лойиҳасиз амалга оширилаётган ишлар бажарилаётган зонада ер ости электр кабеллари бўлиши мумкинлигини аниқлаш учун ишларни бажарувчилар томонидан вилоят, туман (шахар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)дан ахборот олиниши керак.

Электр тармоқлари муҳофаза зonasида амалга ошириладиган ишларнинг буюртмачиси (қурувчи) ишлар бошланишидан камида 3 сутка олдин электр кабели жойлашган жойни техник ҳужжатлар бўйича аниқ белгилаш, уларнинг чуқурлигини аниқлаш ва қурилаётган обьект иншоотлари билан ўзаро жойлашишини аниқлаш учун электр тармоқлари эгасининг вакилини чакириши шарт.

36. Ер ости электр кабелларининг аниқ жойлашишини белгилаш ишлар бажариладиган зонада уларнинг бутун узунлиги бўйича амалга оширилади хамда бунинг учун электр тармоқлари эгаси жавоб беради.

37. Қурилиш узоқ муддат давомида олиб борилган тақдирда ишларни бажариш зonasида йўл ости электр кабелларининг аниқлаштирилган трассаси бўйи 1,5-2 метр

бўлган кўрсаткич қозиқлар билан белгиланиши керак. Кўрсаткич қозиқлар трассанинг тўғри участкаларида барча трасса бурилишларида трассанинг тўғри ўқидан 0,5 метр чекланишининг барча нукталарида ҳар 15-20 метрга, шунингдек ишлар қўлда бажариладиган тупроқни қазиш чегараларида ўрнатилиди.

Кўрсаткич қозиқлар ўрнатиш, кудук қазиш ишлари электр тармоқлари эгасининг вакили иштирокида курувчининг кучи ва маблағлари ҳисобига бажарилади.

Трассани кўрсаткич қозиқлар билан белгиламасдан ер ишларини амалга оширишга йўл қўйилмайди.

38. Электр кабелларининг муҳофаза зоналарида ишлаб бошлангунгача ишларни бажарувчилар ер ости электр кабеллари трассаларининг жойлашиши, уларнинг жойидаги белгиланиши билан танишиши керак. Улар билан шунингдек электр кабеллари сақланишини таъминловчи қўлда ва механизация усулида ер ишларини бажариш тартиби тўғрисида йўрикномалар берилади. Бундан ташқари, улар электр кабелларида одамларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган кучланиш борлигини ҳисобга олган ҳолда электр токи уриш хавфи, шунингдек кўрсатиб ўтилган электр кабел линиялари шикастлантирилганлиги учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилишлари керак. Электр кабелларининг муҳофаза зоналарида ишларни олиб боришда ушбу электр кабеллари эгасининг вакилини чақириш зарурлиги кўрсатилиши, зарур ҳолларда эса, қўлда бажариладиган ишларнинг схемаси берилиши керак.

Электр тармоқларининг муҳофаза зоналаридаги ишлар уларнинг бажарилиши учун масъул шахснинг кузатувида бажарилиши керак.

39. Ҳаво ва кабель линияларининг муҳофаза зонасида ишларни бажарувчилар ишлар бошланишидан камида 3 сутка олдин электр тармоқлари эгасига телефонограмма орқали ёки шахсан уларни бажаришда вакиллар хозир бўлиши зарур бўлган ишларни бажариш санаси ва соати тўғрисида маълум килишлари керак.

Кўрсатиб ўтилган вакиллар иш бажарилаётган жойга келмаган тақдирда ишларни бажарувчилар бир сутка мобайнида бу ҳақда электр тармоқлари эгасига хабар беришлари шарт.

Электр тармоқлари ва кабель линияларининг муҳофаза зонасида кўрсатиб ўтилган вакиллар хозир бўлмаган ҳолда ер ишларини бажариш тақиқланади.

40. Ер ости кабелларининг бевосита яқинида тупрок ишларини фақат белкураклар ёрдамида, қаттиқ зарб бермасдан бажаришга йўл қўйилади, зарбали асбоблар (лом, кирка)дан фойдаланиш тақиқланади.

41. Электр кабель тармоқларининг ишлаб турган коммуникациялар билан кесишган жойларда ер ишлари энг қисқа муддатларда ўтказилиши керак.

42. Ихтиёрида курилаётган ёки ишлаётган электр узатиш кабель линиялари бўлган ташкилотлар кўрсатиб ўтилган линияларни бегона токлардан ҳимоя қилиш чораларини кўриши керак.

43. Ихтиёрида электр тармоқлари бўлган ташкилотларнинг ходимларига таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун бошқа ташкилотларнинг худудида жойлашган тармоқлар объектларига белгиланган тартибда тўсиксиз кириш хукуки берилади.

44. 500 кВ кучланишли электр узатиш ҳаво линиялари билан кесишиш жойларидаги автомобиль йўлларида ушбу линияларнинг муҳофаза зоналарида транспорт тўхташини тақиқловчи йўл белгилари ўрнатилиши керак.

45. Табиий оғатлар туфайли электр тармоқлари шикастланганда, шунингдек шикастланишининг олдини олиш максадида туманлар (шахарлар) хокимликлари зарур ҳолларда уларнинг ваколатлари доирасида электр тармоқлари ва иншоотлари шикастланишини бартараф этиш ва шикастланишининг олдини олиш ишларига ташкилотларни жалб қилиш хукуки берилади. Бундай ҳолларда бажарилган ишларга ҳақ тўлаш ва сарфланган моддий ресурслар қийматини қоплаш ихтиёрида электр тармоқлари бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

46. Электр тармоқларининг муҳофаза зоналаридаги ва улар яқинидаги юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида электр тармоқлари бўлган ташкилотлар ходимларининг электр тармоқлари сақланишини таъминлашга ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган талабларини бажаришга мажбурдир.

Ихтиёрида электр тармоқлари бўлган ташкилотларнинг ходимлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан муҳофаза зоналарида мазкур Қоидалар талаблари бузилган ҳолда бажарилётган ишларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

47. Ер ости кабеллари, улар элементларининг ҳаво линиялари шикастланган тақдирда ишларни бажарувчи бу ҳақда дарҳол ушбу электр тармоқларининг эгаларига маълум қилиши ва шикастланишини зудлик билан бартараф этишда ёрдам кўрсатиши, шу жумладан ишчи кучи ва механизmlар ажратиши шарт.

## VI. Якунловчи қоидалар

48. Мазкур Қоидалар бузилганлиги тўғрисидаги далолатнома ихтиёрида электр тармоқлари бўлган ташкилотларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан тузилади. Мазкур қоидалар бузилганлиги тўғрисида далолатномалар тузишга ваколатли мансабдор шахслар рўйхати ҳар йили энергия таъминоти ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади.

49. Мазкур Қоидалар талабларига риоя этиш билан боғлиқ низолар, шунингдек муҳофаза зонасида электр тармоқларини ўрнатиш, қўриқлаш ва фойдаланиш тартиби бузилганда пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиласди.

50. Мазкур Қоидалар талабларини бузган шахслар жавобгарликка тортилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарарни қоплайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **106      Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Валюта курсини янада бирхиллаштиришга ҳамда валюта сиёсатини эркинлаштиришга кўмаклашувчи зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йил 16 июлдан бошлаб импорт истеъмол товарлари ва хизматларни (шу жумладан транспорт ва алоқа) сотишдан олинган сўмдаги тушумни конвертация қилиш тижорат банклари томонидан, эркин курс бўйича хорижий валютага талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Белгилансинки, истеъмол товарлари ва хизматларни (шу жумладан транспорт ва алоқа) импорт қилиш юзасидан мазкур қарор чиқишидан олдин тузилган ва ваколатли банклар томонидан ҳисобга қўйилган контрактларни бажариш ҳам тижорат

банклари томонидан эркин курс бўйича, хорижий валютага талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилади,

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив хужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил, 12 июль,  
247-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **107 Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини янада тартибга солиш, улар томонидан олиб келинган товарларнинг тўлиқ хисобга олиниши ва сотилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишда жисмоний шахслардан ундириладиган ягона бож тўлови белгиланган тартибга ва тасдиқланган ставкаларга мувофиқ эркин алмаштириладиган валютада тўланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлардан ундириладиган ягона бож тўловини ундириш тартибини ва бюджетга ўтказиш механизмини бир ҳафта мuddатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, жисмоний шахслар томонидан товарлар транспорт ва транспорт-экспедиторлик ташкилотлари орқали олиб келинганда божхонада расмийлаштириш белгиланган тартибда ягона бож тўловини тўлаган ҳолда бевосита товар эгаси бўлган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Транспорт ва транспорт-экспедиторлик ташкилотларининг ташилаётган юкларни божхонада расмийлаштириши тақиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига мазкур қарордан ке-

либ чиқувчи ўзгартеришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 12 июль,  
248-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **108 Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солик солиш тартиби тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида» 2002 йил 13 июндаги 208-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуйидагилар:

«Чакана савдо соҳасида микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқни хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 1-иловага мувофиқ;

«Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи тушумидан олинадиган ягона солиқни хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилаб қўйилсинки, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солик солиш тартиби 2002 йил 1 июлдан бошлаб ўзгарганлиги муносабати билан ушбу корхоналарда ўша даврда амал қилган солиқ солиш тизимидан келиб чиқкан ҳолда ўтган давр учун солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлар сақланиб қолади.

3. Белгилансинки, дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотувчи ултуржки савдо корхоналари қўшилган киймат солиги тўлашдан озод этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси:

мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш бўйича низомларни солиқ тўловчилар эътиборига етказсинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Конгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари билан биргаликда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш масалалари бўйича жойларда семинар-кенгашлар ўтказсинлар.

5. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солик солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 10 апрелдаги 153-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 14-модда);

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 10 апрелдаги 153-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш хақида» 1999 йил 14 январдаги 20-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 5-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 30 августдаги 339-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 55-модда) илованинг 1-банди ўз кучини ўқотган деб хисоблансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг З-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 12июль,  
249-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Чакана савдо соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқни хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом чакана савдо соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқни хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг амал қилиши аҳолига бензин, дизель ёнилғиси, транспорт воситаларига қўйиш учун газ сотовчи ҳамда савдо корхоналари учун назарда тутилган тартибда ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи автомобиль ёнилғиси қўйиш шоҳбочаларига татбик этилмайди.

2. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ ўзида белгиланган физик кўрсаткич бирлигига белгиланган даромад микдоридан (солиқ тўловчининг потенциал ялпи даромадидан) келиб чиқиб хисобланган солиқнинг катъий белгиланган суммасини ифодалайди.

3. Чакана савдо соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ:

солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўлловчи солиқ тўловчилар учун — ифлослантирувчи моддаларни табиий мұхитга чиқариб ташлаганлик, оқизганлик ва чиқитларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига жойлаштирилганлиги учун ягона солиқ ва тўлов ўрнига;

солиқ солишининг соддалаштирилган тизимиға ўтмаган солиқ тўловчилар учун — ялпи даромад солиги ва мулк солиги ўрнига жорий этилади.

4. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқни тўловчилар учун:

божхона тўловлари (божхона божлари ва йифимлари, акциз солиги ва товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиги);

давлат божлари;

савдо хукуқини берувчи йифимлар, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш хукуқига лицензия йифимлари;

давлат мақсадли фондларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сакланиб қолади.

5. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўловчиларга солиқ солишининг бошқа тизимини танлаш хукуқи жорий этилмайди.

6. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўлашга ўтиш солиқ тўловчиларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва норматив-хукуқий хужжатлари билан белгиланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда солиқ органлари ва бошқа давлат органларига бухгалтерия ва статистика ҳисботларини тақдим этиш мажбуриятидан озод килмайди.

7. Агар микрофирмалар ва кичик корхоналар асосий фаолияти — чакана савдодан ташқари фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуллансалар, у ҳолда улар фаолиятнинг ушбу турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритишга ва фаолият турига қараб ёки ялпи тушумдан ягона солиқ тўлашга (улгуржи савдо, умумий овқатланиш) ёхуд микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлашга мажбурдирлар.

## **II. Солиқ тўловчилар**

8. Чакана савдо соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўловчилар (кейинги ўринларда «белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўловчилар» деб юритилади) ҳисобланади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ чакана савдо соҳасида ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 киши бўлган корхоналар микрофирмалар, ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 10 киши бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади.

9. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган корхона фаолияти коди белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўловчиларни аниқлашнинг асосий мезони ҳисобланади.

## **III. Солиқ солиш объекти**

10. Фойдаланиладиган умумий майдон, шу жумладан ижарага олинган майдон белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ солиш обьекти ҳисобланади.

Кўйидаги турғун майдонлар:

харидорларга хизмат кўрсатиладиган ва бевосита товарлар сотиладиган савдо зали;

харидорларга кўшимча хизмат кўрсатиш жойлари (газламани бичиш бўлимлари, тайёр кўйлакни жуссага мослаш устахоналари, янги товарларни намойиш қилиш заллари, хизмат кўрсатиш бюроси ва сақлаш камералари, ўйиб ёзиш устахоналари ва маишӣ приборлар ва пойабзални майда таъмирлаш устахоналари, товарларни кредитга сотишни расмийлаштириш хоналари);

товарларни қабул қилиш, сақлаш ва сотишга тайёрлаш жойлари (омбор бинолари) солиқ солиши мақсадлари учун умумий фойдаланиладиган майдон сифатида тушунилади.

#### **IV. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқни ҳисоблаб чиқиши тартиби ва унинг ставкалари**

11. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ суммаси:  
умумий фойдаланиладиган майдон ҳажмидан;  
базавий ставкалардан;  
корхонанинг жойлашган жойига ва сотиладиган товарлар турларига қараб тузатиш киритувчи коэффициентлардан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.
12. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқнинг базавий ставкаси ва белгиланган (базавий) ставкага тузатувчи коэффициентлар микдорлари савдо шохоб-часининг жойлашган жойига ва сотиладиган товарлар турларига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Сотиладиган товарлар турларига қараб белгиланган ставкага тузатувчи коэффициентлар микдорлари ва товарларнинг аралаш турлари билан савдо қилишда уларни қўллашга мисол мазкур Низомга 1-иловада келтирилади.

Савдо ёки омбор майдони ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқни тузатувчи коэффициентларни қўлламасдан ҳисоблаб чиқади.

13. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ ставкаларининг аниқ микдорлари Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан уларнинг базавий ставкаларидан ва савдо корхонаси жойлашган жойга қараб тузатувчи (пасайтирувчи, оширувчи) коэффициентлардан келиб чиқиб белгиланади ва ўз худудида жойлашган солиқ тўловчилар эътиборига етказилади.

#### **C=B x Km**

бунда:

**C** — белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқнинг Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган аниқ ставкаси;

**B** — Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган базавий ставка;

**Km** — савдо корхонаси жойлашган жойга қараб тузатувчи коэффициентлар.

Ставкаларнинг микдорларини белгилашда:

савдо фаолияти амалга оширилаётган аҳоли пункти типи;

аҳоли пункти ичida савдо фаолияти амалга ошириладиган жой (марказ, чекка жой, транспорт чорраҳаси ва бошқалар);

агар фаолият аҳоли пунктидан ташқарида амалга оширилса, жойнинг хусусияти (автомагистраль тури ва бошқалар);

корхонанинг савдо базалари ва улгуржи бозорлардан йироқлиги ҳисобга олинади.

14. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$N=PxCxK_p$$

бунда:

**N** — белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик суммаси;

**P** — умумий фойдаланилайдиган майдон;

**C** — Коракалпостон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари томонидан белгиланадиган даромаддан олинадиган ягона соликнинг аниқ ставкаси;

**K<sub>p</sub>** — сотиладиган товарлар турларига қараб тузатувчи коэффициент.

Белгиланган даромаддан олинадиган ягона соликни ҳисоблаб чиқишга мисол мазкур Низомга 2-иловада келтирилади.

#### **V. Солик тўловчиларни ҳисобга олиш тартиби**

15. Чакана савдо соҳасида фаолиятни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар солик тўлашнинг белгиланган муддатигача мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза тақдим этиш йўли билан рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича давлат солик хизмати органларида белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик тўловчи сифатида ҳисобга туришга мажбурдирлар. Аризага мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича солик суммасининг ҳисоб-китоби илова қилинади.

16. Давлат солик хизмати органлари белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик тўловчи сифатида микрофирмалар ва кичик корхоналарни ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза олингандан кейин ҳисоб-китобда келтирилган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилган солик суммаси тўғри акс эттирилганлигини текшириб, мазкур аризани бир иш куни мобайнида кўриб чиқишилари шарт.

17. Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг бир нечта савдо шохобчалари мавжуд бўлган тақдирда, ягона солик суммаси ҳисоби савдо шохобчаси жойлашган жой бўйича белгиланган солик ставкасидан келиб чиқиб ҳар бир савдо шохобчаси бўйича амалга оширилади. Бунда тақдим этилайдиган ҳисоб-китоб шаклида ҳар бир савдо шохобчаси жойлашган жойи кўрсатилган холда алоҳида сатрда кўрсатилади. Солик бўйича ҳисоб-китоб микрофирмалар ва кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат солик хизмати органларига тақдим этилади. Юридик шахс ҳисобланмаган ҳар бир савдо шохобчаси ҳисобга кўйилганликни тасдиқлаш учун солик ҳисоб-китобининг нусхасига эга бўлиши керак.

18. Ҳисоб-китобда кўрсатилган солик солиш обьекти (умумий фойдаланилайдиган майдон) солик ставкаси ўзгарган тақдирда, энг кам ойлик иш хақи ва бошқа кўрсаткичлар ўзгариши муносабати билан солик тўловчилар давлат солик хизмати органларига ўзгаририлган ҳисоб-китобни ўзгаририлган шарт-шароитларда фаолиятни амалга ошириш бошлангунгача тақдим этишлари шарт.

#### **VI. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона соликни тўлаш тартиби ва муддатлари**

19. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик тақдим этилган ҳисоб-китоб асосида ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай ҳар ойда тўланади ва тўлиқ микдорда маҳаллий бюджетга ўтказилади.

20. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш ҳисоб рақами бўйича юритилади (турлар бўйича).

Ҳисобланган белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ суммаси: давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисоб рақами дебети; бюджетта тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш ҳисоб рақами кредити бўйича акс эттирилади.

## VII. Якуний қоидалар

21. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўловчилар солиқ солишнинг белгиланган тартиби бузилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

22. Давлат солиқ хизмати органлари:

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқни тўлашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қиладилар;

Чакана савдо корхоналарида солиқ солиши объективининг тақдим этилган белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ ҳисоб-китобига мувофиқлиги юзасидан танлаб мунтазам текширишлар ўтказилишини назарда тутивчи белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқнинг бюджетта тўлиқ ва ўз вақтида тушиши, шунингдек мазкур солиқнинг корхоналар фаолияти натижаларига таъсири ва бюджет тушумлари мониторингини амалга оширадилар.

Чакана савдо соҳасида микро фирмалар ва  
кичик корхоналар томонидан белгиланган  
даромаддан олинадиган ягона солиқни  
ҳисоблаб чиқиши ва тўлаш тартибига  
1-ИЛОВА

### **Сотиладиган товарларнинг турларига қараб жойлардаги давлат ҳокимиияти органлари томонидан белгиланган ставкаларга тузатувчи коэффициентлар**

Т/п	Товарлар номи	Коэффициент*
1.	Тамаки маҳсулотлари ва алкогольни маҳсулотлар	1,5
2.	Автомобиллар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ва аксессуарлар	2,0
3.	Тери ва мўйнадан ясалган буюмлар, кийим-бош ва пойабзал	1,2
4.	Курилиш, пардозлаш материаллари ва қурилиш ускуналари ва инструментлар	1,2
5.	Маишӣ техника, ташкилий техника, ёритиш приборлари, алоқа, кино ва фототехника воситалари, шунингдек уларга анжомлар	1,5
6.	Мебель, гилам ва гиламбоп буюмлар	1,5
7.	Заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар	1,5
8.	Чинни ва биллурдан ясалган идишлар	1,2
9.	Бошқа товарлар, шу жумладан озиқ-овқат товарлари	1,0

\* АРАЛАШ АССОРТИМЕНТ БИЛАН САВДО ҚИЛИШДА СОТИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ТУЗАТУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТНИНГ ЭНГ КЎП МИКДОРИ КЎЛЛАНИЛАДИ.

**Аралаш ассортимент билан савдо қилишда тузатувчи коэффициентларни кўллашга мисол:**

	Сотиладиган товарларнинг турига қараб тасдиқланган тузатувчи коэффициент
<b>Корхона қўйидагиларни сотади:</b>	
1. Атторлик моллари	1,0
2. Тамаки маҳсулотлари ва алкогольни маҳсулотлар	1,5
3. Мебель, гилам ва гиламбоп буюмлар	1,5
4. Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ва аксессуарлар	2,0

Мазкур корхона учун белгиланган даромаддан олинадиган ягона соликни хисоблаб чиқишада соликнинг белгиланган ставкасига 2,0 микдорида тузатувчи коэффициент, яъни сотиладиган товарларнинг мазкур турлари учун белгиланган тузатувчи коэффициентнинг энг кўп микдори қўлланилиади.

Чакана савдо соҳасида микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан белгиланган даромаддан олинадиган ягона соликни хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибига  
2-ИЛОВА

**Бир ой учун белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик  
(шартли мисол)  
ҲИСОБ – КИТОБИ**

Мебель сотувчи корхонанинг тавсифи:

1. Умумий фойдаланиладиган майдон — 45 кв.м.;
2. Жойлашган жойи — вилоят шахри;
3. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган аниқ ставка — 1 квадрат метрга ойига энг кам ойлик иш ҳақининг ярми;
4. Сотиладиган товарлар (мебель) туридан келиб чиқсан ҳолда ставканинг белгиланган микдорига тузатувчи коэффициент — 1,5.

T/р	Кўрсаткичлар	Ёлчов бирлиги	Сумма
1.	Умумий фойдаланиладиган майдон	кв.метр	45
2.	Бир кв. метрга ойига жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган ставканинг аниқ микдори	Энг кам ойлик иш ҳақи	0,5
3.	Хисобот ойидаги энг кам иш ҳақи	сўм	4535
4.	Сотиладиган маҳсулотнинг турига қараб ставканинг белгиланган микдорига тузатувчи коэффициент		1,5
5.	Белгиланган даромадидан олинадиган ягона солик суммаси (1 сатр x 2 сатр x 3 сатр x 4 сатр)	сўм	153056,3

Шундай қилиб, белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик суммаси қўйидагига тенг бўлади:

$$N=45 \times 0,5 \times 4535 \times 1,5 = 153056,3 \text{ сўм}$$

Чакана савдо соҳасида микрофирмалар ва  
кичик корхоналар томонидан белгиланган  
даромаддан олинадиган ягона солиқни  
хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибига  
З-ИЛОВА

Юридик шахс штампи

солиқ органининг штампи ёки қайди

\_\_\_\_\_ туман (шахар)

давлат солиқ инспекциясига

Солиқ тўловчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг

\_\_\_\_\_ да олинди  
(санаси)

номи)

Хисоб-китоб учун масъул шахс \_\_\_\_\_

(лавозими, Ф.И.О.)

Солиқ тўловчининг  
идентификация рақами

ХХТУТ

Телефон \_\_\_\_\_

Тўловчининг манзили \_\_\_\_\_

Хисоб-китоб рақами \_\_\_\_\_  
(банк муассасасининг номи, код)

\_\_\_\_\_ ни белгиланган даромаддан  
(юридик шахснинг номи)

олинадиган ягона солиқ тўловчи сифатида хисобга қўйиш тўғрисида

### АРИЗА

Сиздан \_\_\_\_\_  
(микрофирма,

кичик корхонанинг номи)

белгиланган даромаддан ягона солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказишингизни  
илтимос қиласиз

Корхона раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

200\_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

М. Ў.

Чакана савдо соҳасида микро фирмалар ва  
кичик корхоналар томонидан белгиланган  
даромаддан олинадиган ягона соликни ҳисоб-  
лаб чиқиш ва тўлаш тартибига  
**4-ИЛОВА**

## Юридик шахс штампи

СОЛИҚ ОРГАНИНИНГ  
ШТАМПИ ЁКИ ҚАЙДИ

туман(шахар)  
давлат солиқ инспекциясига  
Солиқ тұловчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг

ОЛИНДИ \_\_\_\_\_  
(сана)

Хисоб-китоб учун масъул шахс \_\_\_\_\_

XXTYT

## Солиқ тұловчининг идентификация рақами

For more information about the study, please contact Dr. Michael J. Hwang at (319) 356-4520 or via email at [mhwang@uiowa.edu](mailto:mhwang@uiowa.edu).

Телефон \_\_\_\_\_  
Тўловчининг манзили \_\_\_\_\_  
Ҳисоб-китоб рақами \_\_\_\_\_ (бонк, мисалесининг номи, коди)

**Чакана савдо соҳасида микрофирмалар ва кичик  
корхоналар учун белгиланган даромаддан олинадиган  
ягона солиқ  
хисоб-китоби**

Савдо шохобчаси жойлашган жой	Умумий фойдаланиладиган майдон (кв. метрларда)	Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган ягона солиқ ставкасининг аниқ миқдори (Энг кам ойлик иш ҳақи хисобида)	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори (бир ойда)	Сотиладиган маҳсулотнинг турига қараб ставканинг белгиланган миқдорига түзатувчи коэффициент	Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ суммаси (сўм) (2-устун x 3-устун x 4-устун x 5-устун)
1	2	3	4	5	6

Чакана савдо соҳасидаги фаолиятни амалга оширишдан олинадиган белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик 200\_\_ йил\* (ёзув билан) дан бошлаб сўмни ташкил этади.

Корхона раҳбари

---

(им30)

(ФИО)

\* Солиқ хисобланадиган сана күрсатилади.

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ушбу хисоб-китоб бўйича солиқ тўловчининг шахсий рақамига ҳар ойда \_\_\_\_\_  
сўм  
йутказилади.

Солиқ инспектори

(имзо)

(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи  
тушумидан (товар айланмаси ҳажмидан) олинадиган ягона  
соликни хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқка тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» 2002 йил 13 июндаги 208-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи тушумидан (товар айланмаси ҳажмидан) олинадиган ягона соликни хисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши чакана савдо соҳасида белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўловчилар хисобланадиган микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди.

2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар ялпи даромад солиғи, мулк солиғи, шунингдек ялпи даромаддан олинадиган ягона солиқ тўлаш ўрнига кейинги ўринларда «ялпи тушумдан ягона солик» деб аталадиган ялпи тушумдан (товар айланмаси ҳажмидан) ягона солиқ тўлайдилар.

3. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ тўловчилар учун:  
божхона тўловлари (товарларни импорт қилишда божхона божлари ва ўйнимлари, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи);

давлат божлари;

савдо хукуки учун ўйним, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш хукуки учун лицензия ўйнимлари;

давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сакланиб қолади.

4. Улгуржи савдо корхоналари ушбу Низомнинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган соликлар ва ўйнимларни тўлаш билан бир қаторда, шунингдек умумий равища белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи хам тўлайдилар.

Шу муносабат билан, улгуржи савдо корхоналари омборлардаги товарлар қолдикларини 2002 йил 1 июлдаги ҳолатига кўра хатловдан ўтказадилар ва тегишли

хужжатлар (счёт-фактуралар, ГТД) билан тасдиқланган ушбу товарлар бўйича қўшилган қиймат солифининг тўланган суммасини ажратиб кўрсатадилар.

Шу билан бирга, қўшилган қиймат солифининг тўланган суммаси алоҳида ҳисоб рақамида жамланади ва ушбу товарларнинг сотилишига қараб ҳисобга киритилади.

5. Савдо корхоналари уларга Вазирлар Махкамаси ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органлари карорларига биноан уларга ижарага берилган ер учун ижара тўловидан озод қилинадилар.

## **II. Солик тўловчиilar**

6. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (кейинги ўринларда корхоналар деб аталади) ялпи тушумдан олинадиган ягона солик тўловчиilar ҳисобланади.

Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувохномада кўрсатилган корхона фаолияти коди ялпи тушумдан ягона солик тўловчиilarни аниqlашнинг асосий мезони ҳисобланади.

Агар корхоналар фаолиятнинг асосий тури билан бир қаторда савдо ёки умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланса, улар ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритишга ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибида ялпи тушумдан олинадиган ягона солик тўлашга мажбурдир.

## **III. Солик солиш обьекти ва уни ҳисоблаш тартиби**

7. Корхонанинг ялпи тушуми ялпи тушумдан ягона солик олиш обьекти ҳисобланади.

Ялпи тушум таркибига қўйидагилар киритилади:

товарлар сотишдан (ишлар, хизматларни амалга оширишдан) тушум суммаси;

бошқа нарсаларни (мол-мулк ва бошқа активларни) сотишдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексида назарда тутилган бошқа даромадлар. Шу билан бирга, курс бўйича ижобий ва салбий тафовут ўртасидаги сальдо баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан олинадиган даромад ҳисобланади.

8. Солик солиш мақсадлари учун ялпи тушумдан қўйидагилар чегирилади:

маҳсулотни сотиш бўйича айланмалар учун ҳисобланган қўшилган қиймат солики суммаси<sup>1</sup>;

автотранспорт воситаларига қўйиш учун бензин, дизель ёнилғиси ва газдан фойдаланганлик учун жисмоний шахслардан олинган солик суммаси<sup>2</sup>;

тўлов манбаидан улар бўйича солик тўланган дивидендлар ва фоизлар тарзида олинган даромадлар;

давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қофозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар тарзида олинган даромадлар.

## **IV. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик ставкалари**

9. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан:

фаолият турига (улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш);

<sup>1</sup> улгуржи савдо корхоналари учун.

<sup>2</sup> автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари учун

корхонанинг жойлашган жойига (шахар, қишлоқ, узоқ ва тоғли туманлар) қараб белгиланадиган ставкалар бўйича тўланади.

Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик ставкалари ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

#### V. Ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари

10. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathbf{N} = \mathbf{V} \times \mathbf{C}$$

бунда: **N** — ялпи тушумдан олинадиган ягона солик суммаси;

**V** — ҳисобот ойидаги ялпи тушум;

**C** — ялпи тушумдан олинадиган ягона солик ставкаси.

Бу ҳолда, ҳисобот ойидаги ялпи тушум суммаси базавий суммадан камайган тақдирда солиқни ҳисоблаш базавий ялпи тушумдан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади. Базавий ялпи тушум учун олдинги чоракдаги ялпи тушумнинг ўртача ойлик миқдори қабул қилинади. Ушбу шароитларда ялпи тушумдан олинадиган ягона солик қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathbf{N} = \mathbf{Bv} \times \mathbf{C}$$

бунда: **N** — ялпи тушумдан олинадиган ягона солик суммаси;

**Bv** — базавий ялпи тушум (олдинги чоракдаги ялпи тушумнинг ўртача ойлик миқдори);

**C** — ялпи тушумдан олинадиган ягона солик ставкаси.

Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқни ҳисоблашга мисол ушбу Низомга 2-иловада келтирилган.

11. Янги ташкил этилган корхоналар ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқни фаолиятнинг биринчи чораги мобайнида, ҳисобот ойидаги ҳақиқий ялпи тушумдан келиб чиқкан ҳолда тўлайдилар.

12. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик бўйича ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ ҳисоб-китоб тўловчилар томонидан рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солик хизмати органларига хар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай тақдим этилади.

13. Тўловчилар ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқни ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган муддатдан кечикмай тўлайдилар.

14. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар (солик турлари) бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисоб рақами бўйича юритилади.

Ҳисобланган солик суммаси:

соликлар ва йифимларни тўлаш учун фойдадан фойдаланишни ҳисобга олиш ҳисоб рақами дебети бўйича;

бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисоб рақами кредити бўйича акс эттирилади.

Бюджетга ўтказилган солик суммаси:

бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисоб рақами дебети бўйича; пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисоб рақами кредити бўйича акс эттирилади.

## VI. Якуний қоидалар

15. Тўловчилар ялпи тушумдан (товар айланмаси ҳажмидан) олинадиган ягона соликнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ялпи тушумни (товар айланмаси ҳажмини) яшириш ҳоллари аникланган тақдирда солик тўловчидан тушумнинг яширилган жами суммаси ва ана шу суммадаги жарима ундирилади.

16. Давлат солик хизмати органлари:

ялпи тушумга ягона солик солишининг белгиланган қоидасига риоя этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига, «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадилар;

ялпи даромаддан олинадиган ягона соликнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан мониторингни тъминлайди, ушбу мониторинг савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ялпи тушум ҳажмининг ягона солик суммаси бюджетга тўлиқ тушишига мувофиқлиги юзасидан мунтазам равишда танлаб текширувлар ўтказишни назарда тутади. Аникланган тафовутлар ялпи тушумни яшириш деб ҳисобланади ва бунинг учун қонунчиликда назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг  
ялпи тушумидан (товар айланмаси ҳажмидан)  
олинадиган ягона соликни ҳисоблаб чиқиш ва  
тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга  
1-ИЛОВА

### **Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик ставкалари**

Тўловчилар	Корхоналар бўйича уларнинг жойлашган жойига қараб солик ставкалари (ялпи тушум ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)	
	шаҳар ва қишлоқ жойларда	узоқ ва тогли туманларда
Улгуржи, чакана савдо	5	3
Умумий овқатланиш	10	7

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи тушумидан (товар айланмаси ҳажмидан) олинадиган ягона соликни хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга  
2-ИЛОВА

**Июль ойи учун ялпи тушумдан олинадиган ягона солик  
ҳисоб-китоби**

(шартли мисол)

T/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1-вариант	2-вариант
1.	II чоракдаги ялпи тушум	минг сўм	60600	60600
2.	II чоракдаги (апрель-июнь) ялпи тушумнинг ўртача ойлик миқдори — базавий тушум (1-сатргарининг учдан бир қисми)	минг сўм	20200	20200
3.	Бир ой (июль)даги ҳақиқий олинган ялпи тушум	минг сўм	20800	18200
4.	Солик солинадиган тушум	минг сўм	20800	20200*
5.	Соликнинг белгиланган ставкаси	%	5	5
6.	Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик суммаси (4-сатр x 5-сатр/100)	минг сўм	1040	1010

— — — — —  
\* хисобот ойидаги ялпи тушум базавий миқдорга нисбатан камайган тақдирда соликни хисоблаб чиқариш базавий ялпи тушумдан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи тушумидан (товар айланмаси ҳажмидан) олинадиган ягона соликни хисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга  
3-ИЛОВА

Юридик шахс штампи

\_\_\_\_\_ тумани (шахри)  
давлат солик инспекциясига  
Солик тўловчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг  
номи)

Солик органининг штампи  
ёки белгиси  
олинди \_\_\_\_\_ (сана)

Ҳисоб-китоб учун масъул шахс

\_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

ХХТУТ

--	--	--	--	--	--	--

--	--	--	--	--

Телефон \_\_\_\_\_  
Тўловчининг манзили \_\_\_\_\_

Хисоб-китоб  
раками \_\_\_\_\_  
(банк муассасасининг номи, код)

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг  
ялпи тушумидан олинадиган ягона солик  
ХИСОБ-КИТОБИ**

200\_\_\_ ёил \_\_\_\_\_ учун  
(хисобот ойи)

T/р	Кўрсаткичлар	Суммаси
1.	Олдинги чорақдаги ялпи тушумнинг ўртача ойлик микдори — базавий тушум	
2.	Хисобот ойидаги ялпи тушум (товар айланмаси)	
3.	Хисоб-китоб учун қабул қилинаётган ялпи тушум*	
4.	Ялпи тушумдан чегирмалар**	
5.	Солик солинаётган тушум (3-сатр – 4-сатр)	
6.	Ягона солик ставкаси (фоиз)	
7.	Тўланадиган ягона солик суммаси	

Корхона раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)  
Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)  
Солик инспектори  
М.Ў. \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Вазирлар Махкамасининг  
2002 ёил 12 июлдаги 249-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Солик солишнинг содалаштирилган тизимига ўтган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солик солиш тартиби тўғрисида» 1998 ёил 15 апрелдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1998 й., 4-сон, 15-модда; 1999 й., 11-сон, 64-модда; 2000 й., 8-сон, 45-модда; 2001 й., 6-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солик солишнинг содалаштирилган тизимини қўллаш тартибида:

- а) I бўлим 2-бандининг иккинчи хат бошига «солик солишнинг алоҳида тартиби белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг айrim турларини амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;
- б) III бўлим 1-бандининг иккинчи хат боши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«харид қилувчи, таъминот-сотиш корхоналари учун — ялпи даромад».

\* қўйидаги холларда:  
хисобот давридаги ялпи тушум базавийдан ошганда ( $2\text{-сатр} > 1\text{-сатр}$ ) 3-сатрда 2-сатрдаги микдор кўрсатилиди;  
хисобот ойидаги ялпи тушум базавийдан камайганда ( $2\text{-сатр} < 1\text{-сатр}$ ) 3-сатрда 1-сатрдаги микдор кўрсатилиди;  
\*\* Хисоб-китобга ялпи тушумдан аниқ чегирмалар рўйхати илова қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 31 октябрдаги 433-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 10-сон, 61-модда) 1-бандининг биринчи хат бошидаги «воситачилар сонидан қатъи назар, кўпи билан 25 фоиз миқдорида белгиланадиган чекланган савдо устамаси кўлланган ҳолда» сўzlари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилги асосий мақроқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон қарорида:

- а) 9-банднинг учинчи хат бошидаги «суюлтирилган» сўзи чиқариб ташлансин;
- б) 12-банднинг тўртинчи хат боши чиқариб ташлансин;
- в) 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;
- г) 7-илова жадвалидаги «савдо (харид қилувчи, савдо-воситачилик, улгуржи-сотиш, таъминот) корхоналари, шу жумладан умумий овқатланиш» сўzlари «харид қилувчи, таъминот-сотиш корхоналари» сўzlари билан алмаштирилсин;
- д) 10-илова жадвалидаги 1-3 сатрлар, шунингдек изоҳнинг 3-банди чиқариб ташлансин;
- е) 18-илова жадвалидаги «транспорт воситалари учун суюлтирилган газ» сўзла-ри «транспорт воситалари учун газ» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқقا тортиш тизими-ни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 13 июндаги 208-сон қарорига 4-иловада:

- а) 1.1 ва 1.2-бандлардаги «заргарлик буюмлари» позицияси чиқариб ташлансин;
- б) 1.3-банддаги «заргарлик буюмлари» сўzlари чиқариб ташлансин;
- в) изоҳга қўйидаги мазмундаги хат боши қўшилсин:

«Аralash савдо (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан) позицияси бўйича 1.1-бандда назарда тутилган базавий ставкалар ва базавий ставкага ўзгартирувчи ко-эффициентлар ушбу бандда алоҳида кўрсатилмаган ноозиқ-овқат товарлари билан турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдога ҳам татбиқ этилади».